

№ 1
15 май 2024 йил

Бухоро.ш

“Бухоро сув таъминоти” акциядорлик жамияти рахбариятига СТИР 201513859

МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Фикр

Мен, Бухоро вилоятидаги “Бухоро сув таъминоти” акциядорлик жамиятининг 2023 йил 1 январ кунидан 2023 йил 31 декабр куни ҳолатигача бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

Фикр билдириш учун асослар

Биз аудиторлик текширувини Ўзбекистан Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ аудиторлик кўригидан ўтказдим.

Аудитнинг халқаро стандартлари бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз қорхонадан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қарорларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун рахбарият ва бошқарув вақолатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Рахбарият молиявий ҳисобнинг миллий стандартларга мувофиқ ҳаққоний ва ишончли тақдим этилган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда рахбарият қорхона фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошқор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан холи эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда

аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида ишончинг юкори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофих ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас.

Хулоса қисми

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар. Бухоро вилоятидаги “Бухоро сув таъминоти” акциядорлик жамиятининг 2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини, барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофих ҳақоний таҳдим этилган.

Бухоро шаҳар МЧЖ «PROGRESS-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти раҳбари:



С.Алимджанова